ЭСКИ ТУРКИЙ ТИЛДАГИ БАЪЗИ ҲИС-ҲАЯЖОН УНДОВЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ТИЛИДА САҚЛАНИШИ

Дустмуродов Маъруфжон Мансур ўғли[1], Одилова Анора Дилшод қизи[2]
[1]филология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент
[2]Ориентал университети 1-курс талабаси
https://doi.org/10.5281/zenodo.20198496

Аннотация. *Мазкур мақолада Devonu lug‘otit turk асарида учрайдиган айрим ҳис-ҳаяжон ундовлари ва уларнинг ҳозирги ўзбек тилида сақланиш ҳолати таҳлил қилинган. Тадқиқотда қадимги туркий тилда қўлланган op-op, a:, ova, ey, av, orï, awa, qop каби ундовларнинг фонетик, семантик ва функционал хусусиятлари ҳозирги ўзбек адабий тили ҳамда айрим шевалар материаллари билан қиёсий ўрганилган. Шунингдек, мазкур ундовларнинг айримлари шаклан ва маънан деярли ўзгаришсиз сақлангани, бошқалари эса муайян фонетик ва услубий ўзгаришларга учрагани далиллар асосида кўрсатиб берилган. Мақолада тарихий тилшунослик, лексик семантика ва туркий тиллар тарихи нуқтаи назаридан ундов сўзларнинг тараққиёт жараёни ёритилган.*

Калит сўзлар. *эски туркий тил, ҳис-ҳаяжон ундовлари, ўзбек тили, ундов сўзлар, тарихий лексикология, туркий тилшунослик.*

Етук туркийшунос олим Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғати-т-турк” – “Турк сўзлари девони” асари тилшунослик соҳаси учун муҳим ва беқиёс ёзма ёдгорликдир. “Девон”да XI аср туркий тилининг ўзига хос фонетик, лексик ва грамматик хусусиятларига доир салмоқли маълумотлар қайд этилган. Шунингдек, асарда туркий тилдаги ҳис-ҳаяжон билан боғлиқ сўзлар – ундовлар, тақлид сўзларга оид лингвистик маълумотлар кўплаб учрайди. Уларнинг айримлари шаклий жиҳатдан турли даражада ўзгаришга учраган, айримлари эса ўз даври лексик кўринишини йўқотмасдан ҳозиргача етиб келган. Биз ушбу мақоламизда бундай сўзларнинг тилимизда ҳозирги кунда қай ҳолатда сақланиб қолгани ёки аксинчалиги масаласини ёритишга ҳаракат қилдик.

Жумладан, ***ор-ор*** **(ўп-ўп)** – эшакнинг оёғи тойиб кетганда ўрнидан турғазиш учун қўлланадиган сўз бўлиб, “тур-тур” деган маънони билдирган. “Девон”да бу сўз арабларнинг *ләән* деган сўзига тўғри келиши таъкидлаб ўтилган [1, б. 28]. Ҳозирги ўзбек адабий тилида ва баъзи шеваларида бирор ҳаракатни тез ёки биргаликда бажаришга ундаш маъносида қўлланадиган ***ҳўп, ҳўппа, ҳўппала*** сўзлари ҳам шаклий жиҳатдан, ҳам талаффуз ва маъновий жиҳатдан ўхшашдир. Ушбу сўзга “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” (ЎТИЛ) да қуйидагича изоҳ берилган: ***ҳўп*** – сакраш, ҳатлаш пайтида айтиладиган нидо – ундов сўз [V, б. 570]. Демак, қадимги туркча ***ор-ор*** **(ўп-ўп)** сўзи тилнинг тарихий тараққиёти давомида ***ҳўп*** шаклига ўтган бўлиши мумкин. Маҳмуд Кошғарийнинг ўзи ҳам таъкидлаганидек, баъзи туркий қабилалар сўз бошидаги айрим унлиларнинг олдига **ҳ-** ундошини қўшиб талаффуз қилганлар. Туркшунос олимлар ҳозирги кунда мазкур лингвистик ҳолатнинг туркий тиллар орасида асосан ўзбек ва халаж туркчасида фаол равишда кўзга ташланишини эътироф этадилар. Бизнингча, бу лингвистик қонуният мазкур мисолда ҳам ўз тасдиғини топган.

а: **(а) –** сўзи эски туркий тилда ҳайронлик ва таажжубни билдирувчи сўз бўлган ва унга М.Қошғарий қуйидаги мисолни келтиради; ***ol meni a: qïldï –*** *у мени ҳайрон қилди, таажжублантирди* [1, б. 30]. Бу сўзнинг тилимизда ўзгаришсиз етиб келганлиги диққатга сазовордир. Фақат айтиб ўтиш керакки, ЎТИЛда унга юклама сифатида қуйидагича изоҳ берилишига қўшилиб бўлмайди: ***а*** *– юкл.* (турли даражадаги талаффуз билан) таажжубли, эътирозли ва ш.к. мазмундаги сўроқни билдиради: Нима? Нима дединг? Нима дединг? *Ўн тўрт сўм берасиз. – А, ўн тўрт сўм?* (Ойбек, Танланган асарлар) [I, б. 25]. Эски туркий тилда ҳайронлик ва таажжуб маъноларини ифодалаган а: (а) ундови ҳозирги ўзбек тилига деярли ўзгаришсиз етиб келган. Унинг семантик асосида таажжуб ва эмоционал муносабат ифодаси сақланиб қолган бўлса-да, ҳозирги изоҳли луғатларда асосан юклама сифатида талқин қилиниши мазкур бирликнинг тарихий-лексик хусусиятини тўлиқ очиб бермайди. Шу жиҳатдан, а сўзини дастлабки эмоционал-ундовлик табиати билан баҳолаш мақсадга мувофиқдир.

ава **(ўва) –** сўзи асарда чақирувга жавобан, жавоб тариқасида “ҳа” маъносида айтилган сўзлиги қайд этилган. Жумладан, “Эй Муҳаммад” деб чақирганда чақирилувчининг ***ова*** – “ҳа, лаббай?” деган жавоби, “нима дейсиз?” маъносидадир. Бу сўзнинг ўзгаришли варианти сифатида кўрсатмоқчи бўлган сўзимиз шаклий жиҳатдан анчагина, эпик жиҳатдан бироз фарқлидир. ЎТИЛда жавобда розилик, тасдиқ маъноларини билдириши таъкидланган бу сўз ўғуз лаҳжасида фаол истеъмолда бўлган ***ҳоввa*** *(шевада.*; **ҳа.)** сўзи мос келади. *“Кофир” Аваз шул йигит экан-да? – Ҳоввa* (С. Сиёев, Ёруғлик) [V, б. 540].

Шунингдек, асарда маънолари деярли бир хил бўлган ***еу*** **(эй)** ва ***ав*** **(ав)** сўзлари тилга олиниб уларга қуйидагича изоҳ берилади: ***ав*** **(ав) –** йўғон талаффуз қилинадиган *alif* билан; буюрувчининг буйруғини писанд қилмаслик, бўйсунмаслик ўрнида қўллнувчи “а?”, “нима деяпсиз?”, мазмунидаги ёрдамчи сўздир [1, б. 30]. ***еу*** **(эй)** – ***ав*** сўзи каби буйруқни менсимаслик, инкор қилишни билдирувчи сўздир [1, б. 30]. Ушбу сўзларнинг биринчисига маъновий жиҳатдан, икинчисига ҳам маъновий ҳам шаклий жиҳатдан тенг келадиган шакли ЎТИЛда қуйидагича изоҳланади: ***эй*** *– унд. с.* 1. Мурожаат, чақириқ маъносини билдиради. *– Тўхта, эй тўхта дейман!* (П. Турсун, Ўқитувчи). *Эй, буни қара, лайшкнинг уяси* (О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса). 2. Ачиниш, эътироз, қўшилмаслик маъноларини ифодалайди. *Эй, ҳаммаси баҳона...* (Ойбек, Танланган асарлар). *Эй, бас қилинг-эй!* (Ҳамза, Танланган асарлар). *Эй, қаёқда!* (Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи). [II. б, 23] Энди бу ерда шуни кузатиш мумкинки, ЎТИЛдаги ***эй*** сўзининг иккинчи маъноси ва ДЛТдаги ***ав*** **(ав)** ва ***еу*** **(эй)** сўзлари ўртасида муштарак инкор, эътироз семаси мавжуд ҳамда ДЛТдаги иккинчи ***еу*** **(эй)** сўзи билан ЎТИЛдаги ***эй*** сўзи айнан бир сўздир дейиш мумкин. Шунингдек, ЎТИЛда юклама маъносидаги ***эй*** сўзи ҳам мавжуд: ***-эй*** *юкл.* Таъкид, маънони кучайтириш учун хизмат қилади. *Извошларинг шунақа юмшоқми-а? Нақ бахмал тўшакдай, жоннинг ҳузури-эй* (Ойбек, Танланган асарлар). *Оббо ноинсоф-эй, Ширмонбулоқнинг этагидаги қора тупроқ ерларнинг барисини қўлга киргизиб олди-я!* (М. Исмоилий, Фарғона т. о.) [II, б. 23] Бу сўз дастлаб ДЛТдаги каби ундов сўз бўлиб кейинги даврларда юкламага ўтган бўлиши мумкин. “Девони луғотит турк”даги *ав (ав)* ва *еу (эй)* ундовлари ҳозирги ўзбек тилида айрим семантик ва функционал ўзгаришлар билан сақланиб қолган. Бу ундов сўзларнинг тил тараққиёти жараёнида грамматиклашув ҳодисасига учрашини кўрсатади.

Адиб товуш, бақириқ, ҳураш, фарёд маъносида ***орї*** **(ўри)** сўзини қайд этади. Ушбу сўзга мисол сифатида мақолда (шундай келган): ***Орї qopsa, oğuša aqlïšur, yağï kelsa, imräm***

tebräšür. Маъноси: “Фарёд кўтарилса, уруғлар тўпланадилар, душман келса, ҳамма йиғилади”. Яъни, фарёд чиқса, унга ёрдам бериш учун уруғлар тўпланадилар; ёв келса, ҳамма уни ўлдириш учун отланади. Бу мақол ишларда уйғоқлик ва меҳрибонлик, бирдамликка ундаб айтилади [1, б. 47]. ЎТИЛда юқоридаги ***orï*** **(ўри)** сўзига ***ура*** сўзи мувофиқдир. Унга шундай изоҳ берилади: ***ура*** (*т. урҳо-ур<урмоқ*) I *унд.с.* Ҳужум қилаётган жангчиларнинг жанговар нидоси; кўтаринки руҳ билан маъқуллаш ёки хурсандликни ифодаловчи нидо, хитоб. *Қаердадир пулемёт тариллади; якка милтиқ товуимари, ура садолари келди.* (А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз). У *эшикдан чиқиши билан бир гала бола ё “ура!”, ё “ол” деганини англаб бўлмас даражада шовқин солиб, уни ўртага олди* (П. Турсун, Ўқитувчи) [IV, б. 292].

ДЛТда аламланиш маъносидаги ***awa*** **(ава)** сўзи тилга олинади. Агар киши бирор нарсадан хафа бўлса ва ачинса, ***awa-awa*** дейди (“афсус”, “аттанг”, “эсизгина” демакдир) [1, б. 49]. ЎТИЛда ушбу сўзга вариантдош сифатида деярли ДЛТдаги каби маънолардаги *обба* сўзини келтириш асослидир. ЎТИЛда унинг 1. ҳайрат, таажжуб; 2. ачиниш, нафрат; 3. зорланиш, норозилик, тарзидаги уч хил маъноси изоҳланган [III, б. 70]. *Обба* ва *оббо* [III, б. 70], *ўббў* [V, б. 132] сўзлари ўзаро вариантдош ҳисобланади: *оббо, ёмон иш бўлибдику; оббо, ҳали етиб бормаганмикан?; оббо, шу етмай турувди; оббо, ҳали сен ҳам бормидинг* каби. Яна: ***Оббо*** *хотинталоқ-****эй****, шунақа қилган денг, Ҳожим!..* (А.Қаҳҳор). ***Оббо****... нималар қилдим экан?* (А.Қаҳҳор). ***Оббо****! Эсингиздан чиқдими, келганингизда оёғингиздаги ботинканинг ипи симдан эди...* (А.Қаҳҳор). ЎТИЛдаги *обба* сўзининг иккинчи маъноси айнан ДЛТдаги маънога тенгдир.

Кузатишлар ушбу ундовнинг даврлар ўтиши нуқтаи назаридан яна бошқа маъноларини ҳам шаклланганини, матнда бошқа стилистик оттенкалари юзага чиқишини ҳам кўрсатади. Масалан, – ***Оббо****... Жодугарликни билсам ҳовлингизни минг чақирим нарига сурар эдим* (А.Қаҳҳор) гапидаги ундовдан “фикрингиз тўғри эмас”, “фикрингизга қўшила олмайман”, “ундай эмас” каби маънолари келиб чиқади. — ***Оббо****! Боринг энди!* (Ў.Ҳошимов) гапида эса у субъектнинг “ўжарлик қилманг”, “қайсарлик қилманг” ёки “кўп гапирманг”, “эзмалик қилаверманг” сингари фикрларининг ифодаси бўлиб хизмат қилади. ***Оббо****... сизга ёлғончи бўлдим-да!* (А.Қаҳҳор) гапида эса афсусланиш маъноси айнан шу ундов орқали реаллашмоқда. –***Оббо****, нима қилибсизки, чарчайсиз... ётинг, чўзилинг…*(А.Қаҳҳор) гапида суҳбатда фикрнинг муштарак эмаслиги, суҳбатдошларнинг бири иккинчисининг фикрига қўшилмаётгани маълум бўлади.

ДЛТда таъкидлаш, пухталаш, кучайтириш маъноларида ***qop*** **(қўп)** сўзи қўлланилади. Лекин асарда у юклама деб берилган. Масалан: ***oğul qop bedüdi*** **–** ўғил жуда катта бўлиб кетди; ***qop eδgü nay*** – жуда эзгу нарса [1, б. 132]. Биз ушбу сўзга вариантдош сифатида ЎТИЛдаги ***хўп*** сўзини олдик. Буни ЎТИЛдаги ***хўп*** сўзини ДЛТдаги ***qop*** **(қўп)** сўзининг даврий ўзгариши деган фикрни ўртага ташлаймиз ва фикримизни қуйироқда далиллашга ҳаракат қиламиз. Аввало, Буни ЎТИЛда ***хўп*** сўзи форсча эканлиги қайд этилади ва унинг қуйидагича изоҳ берилади: ***хўп*** I [ф. – яхши, майли] 1 *тасдиқ юкл.* Бирор ишга розилик маъносини ифодалайди; майли, майлига. *[Отабек:] Раҳмат, ота, бўлмаса, бизга чой қайнатиб беринг-чи! [Ҳасанали:] Хўп, бегим* (А. Қодирий, Ўтган кунлар); ***хўп бўлади*** – жуда соз, маъқул. *Сенга нима бўлди, қизим! Боя хўп деганингда, шунчалик беюзчиликлар бўлмас эди* (Ҳамза, Паранжи сирлари). Эҳтимол, ўзбекчадаги ***хўп*** сўзи қадимги туркча мазкур ***қўп*** сўзи билан алоқадор бўлиши ҳам мумкин. Маълумки, қадимги туркча ***қ-*** ундоши баъзи туркийларда, хусусан, ўзбек тилида ***х-*** ундошига ўтганлиги

кузатилади. Масалан, *қаған (қоғон) ~ хоқон*, *қан (қон) ~ хан* (хон, ҳукмдор), *қатир ~ хатир ~ хачир*.

2 *рвш.* Ниҳоят даражада; роса; жуда. *Болалар хўп ўйнашди. Хўп яхши иш бўлди-да. - Невараларингизга қараб хўп қувонасизда, ойи, — деди Комилжон кулиб* (С. Зуннунова, Ҳикоялар).

3 Диққат, эътибор билан, яхшилаб; жуда яхши. *Сўзни танлаб сўзлаганлар – хўп билур сўз қадрини* (С. Абдулла). ***хўп бўпти*** – Ажаб бўлибди, жазосини тортсин [IV, б. 671]. Шунингдек, ДЛТда бирон нарсани таъкидлаш ва ошириб кўрсатиш мақсадида қўлланадиган ***кеδ*** **(кед)** сўзи ҳам қайд қилинади. Бу сўз *δal* билан ҳам, *dal* билан ҳам талаффуз қилинади: ***кеδ at –*** қандай яхши от; ***кеδ пäŋ*** – қандай яхши нарса [1, б. 133]. Мазкур сўз ўзбек тилида учрамайди.

Хуллас, ДЛТдаги қадимги туркий сўзларнинг ўзбек тилида сақланиб қолиш ҳолатига ҳис-ҳаяжон билдирувчи сўзлар мисолида қисқача назар ташланганда кўплаб сўзларнинг ҳозирги кунгача ҳам шаклан, ҳам мазмунан айнан ўхшаш ёки бироз ўзгарган ҳолда етиб келганлиги аён бўлади. “Девони луғотит турк”да учрайдиган ҳис-ҳаяжон ундовларининг ҳозирги ўзбек тили билан қиёсий таҳлили шуни кўрсатадики, қадимги туркий тилда қўлланган кўплаб эмоционал бирликлар тил тараққиёти жараёнида муайян фонетик, семантик ва функционал ўзгаришларга учраган бўлса-да, уларнинг асосий маъно ва вазифалари сақланиб қолган. Айрим ундовлар ҳозирги ўзбек тилида деярли ўзгаришсиз қўлланса, баъзилари янги услубий оттенка ва грамматик хусусиятлар касб этган. Хусусан, айрим ундовларнинг юклама вазифасига ўтиши тилда грамматиклашув жараёнининг мавжудлигини кўрсатади. Шу билан бирга, мазкур мисоллар ўзбек тилининг эски туркий тил билан узвий тарихий боғлиқлигини ҳамда ҳис-ҳаяжонни ифодаловчи лексиканинг туркий тилларда нисбатан барқарор қатлам эканини тасдиқлайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Маҳмуд Қошғарий, Девону луғати-т-турк. Нашрга тайрловчи Қ.Содиқов. Тошкент: -Ғ.Ғ., 2017
2. Муҳиддинова Ҳ. Тақлидий сўзлар ва ундовдан ясалган феъллар / Ўзбек тили ва адабиёти.-1978.-№3.-Б.52-54.
3. Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш., Искандарова Ш., Набиева Д. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. -164 б.
4. Солихўжаева С. Эмоционал гапларда ундовларнинг роли / Ўзбек тили ва адабиёти.-1972.-№3.-59-61.
5. Ўзбек тили грамматикаси. I том. Морфология. – Тошкент: Фан, 1975.-612 б.
6. Қўнғуров Р. Ҳозирги ўзбек тилида ўзгармайдиган сўзлар. I қисм. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1978.– 67 б.